Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2019 йил 11 сентябрдаги 932-сон қарорига
1-ИЛОВА

Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш бўйича
ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 21, 23 ва 25-моддаларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сайлов комиссиялари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар учун округ ва участка сайлов комиссияларини шакллантиришда тавсиявий характерга эга.

Муддатидан илгари, такрорий, бўшаб қолган ўринларга ҳамда янги ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирликларда ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга оид ушбу Йўриқномада белгиланган тадбирларни амалга ошириш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

(муқаддима Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 13 майдаги 1254-сон қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган)

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг 8 – 18 нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва 6 – 8 нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилади.

(1-бандниг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарорига асосан биринчи ва иккинчи хатбошилар билан алмаштирилган)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

2. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси тегишли вилоят, Тошкент шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида

комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва 6 – 8 нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилади.

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг тавсиясига биноан тасдиқланади.

(2-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарори таҳририда)

(2-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарорига асосан чиқарилган)

Халқ депутатлари туман, шаҳар (бундан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши мустасно) Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари тузилмайди. Бунда, туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳар сайлов комиссияси мустасно) сайлов комиссияси мазкур Йўриқномада назарда тутилган округ сайлов комиссиясининг ваколатларини ҳам амалга оширади.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган)

3. Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида 5 – 19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Зарур бўлган ҳолларда участка сайлов комиссиясининг сон таркиби округ сайлов комиссияси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодлар Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

II. Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига қўйиладиган талаблар

4. Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин.

Қуйидагилар округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас:

Қонунчилик палатаси депутати, маҳаллий Кенгаш депутати, Сенат аъзоси;

бошқа сайлов комиссиясининг аъзолари;

сиёсий партияларнинг аъзолари ва ваколатли вакиллари;

вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари;

прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари;

номзодлар, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари;

номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар;

оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар.

(4-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 13 майдаги 1254-сон қарори таҳририда)

5. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари мустасно. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг қолган ярмини шакллантиришда қуйидаги захиралардан фойдаланиш тавсия этилади:

(*5-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарори таҳририда)*

сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар;

(5-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарорига асосан чиқарилган)

нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари;

(5-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарори таҳририда)

ҳуқуқий билим ва малакага эга шахслар (юрисконсультлар, адвокатлар, ҳ.к.);

хорижий тилларни биладиган мутахассислар.

6. Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати компьютер дастурлари билан ишлаш учун ҳар бир округ ва участка сайлов комиссияси таркибида ахборот коммуникация технологиялари соҳаларида билим ва амалий кўникмага эга камида икки нафар шахс (асосий ва захира) бўлиши тавсия этилади.

7. Сайлов комиссиялари таркибида, шу жумладан раҳбарлик лавозимларида, аёл ва эркакларнинг тенг вакиллигини таъминлашга эътибор қаратилиши керак.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни тавсия қилиш

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар сайлов округлари тузилганидан сўнг уч

кун ичида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг регламентларида белгиланган тартибда уларнинг мажлисларида муҳокама этилади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни тавсия этиш тўғрисидаги қарорлари Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

11. Округ сайлов комиссияларининг таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги Марказий сайлов комиссиясининг қарори комиссиянинг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида эълон қилинади. Қарор бошқа манбаларда ҳам эълон қилиниши мумкин.

IV. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни тавсия қилиш

(4-боб номи Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарори таҳририда)

12. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар сайлов округлари тузилганидан сўнг 3 кун ичида Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари регламентларида белгиланган тартибда уларнинг мажлисларида муҳокама этилади.

(12-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарорига асосан чиқарилган)

13. Муҳокама натижаларига кўра халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодни тавсия этиш тўғрисида халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгаши қарори қабул қилинади ва тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиясига юборилади.

(13-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарори таҳририда)

14. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясининг таркиби тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

(14-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарори таҳририда)

15. Округ сайлов комиссияларининг таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги вилоят ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиясининг қарори комиссиянинг расмий веб-сайтида, шунингдек маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

(15-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарори таҳририда)

V. Участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни тавсия қилиш

16. Сайлов кампанияси эълон қилинганидан кейин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ташаббусига кўра ёки Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларининг ёхуд туман, шаҳар сайлов комиссияларининг таклифларига асосан участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар захирасини шакллантиради.

17. Сайлов участкалари тузилганидан кейин:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан – фуқаролар йиғинида ёки фуқаролар вакилларининг йиғилишида ёхуд фуқаролар йиғини мажлисида;

жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан – меҳнат жамоалари йиғилишида участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар захираси муҳокама қилинади ҳамда йиғилиш (мажлис) натижаси баён билан расмийлаштирилиб, сайловга камида 50 кун қолганида халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига кўриб чиқиш учун таклиф қилинади.

(17-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарори таҳририда)

18. Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари 5 кунлик муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан билдирилган таклифларни ўз мажлисларида регламентда белгиланган тартиба муҳокама этади.

Муҳокама натижаларига кўра участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб ва ўша куннинг ўзида тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун киритилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови бир вақтда ўтказилаётган бўлса, участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни тавсия этиш тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун киритилади.

19. Ҳарбий қисмларда, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари сайловга камида 7 кун қолганда тузилса, округ сайлов комиссияларига сайлов участкаларини тузиш тўғрисида тақдимнома билан бирга участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни тавсия этиш тўғрисидаги қарор ҳам тақдим қилинади.

(20-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 13 майдаги 1254-сон қарорига асосан ўз кучини йўқотган)

21. Участка сайлов комиссиясининг таркиби тегишли округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

22. Участка сайлов комиссиясининг таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги округ сайлов комиссиясининг қарори маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

23. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида участка сайлов комиссиясини шакллантириш тартиби Марказий сайлов комиссиясининг алоҳида низоми билан белгиланади.

VI. Округ ва участка сайлов комиссияси таркибидан чиқариш ёки таркибини ўзгартириш

24. Сайлов кодексининг 25-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолларда округ ва участка сайлов комиссияси аъзоси тегишли комиссиянинг қарорига кўра комиссия таркибидан чиқарилади:

ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ёзма ариза берганда;

у суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келганда;

қонунга кўра у сайлов комиссияси аъзосининг ваколатларини амалга ошириш билан бир вақтда шуғулланиб бўлмайдиган лавозимга сайланганда ёки тайинланганда;

у суднинг қонуний кучга кирган қарорига асосан бедарак йўқолган деб топилганда ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда;

у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанда;

у вафот этганда.

Сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзод ёки ишончли вакил этиб рўйхатга олинган аъзоси сайлов комиссияси таркибидан чиқиб кетган деб ҳисобланади.

(24-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 13 майдаги 1254-сон қарори таҳририда)

25. Комиссия аъзоси Сайлов кодекси талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларига мунтазам равишда эътиборсизлик қилган тақдирда, у комиссия аъзоси этиб тасдиқлаган органнинг қарори билан ваколатларидан маҳрум этилиши мумкин.

Бунда комиссия аъзосининг Сайлов кодекси талабларини бузганлиги ёки зиммасидаги мажбуриятларга мунтазам равишда эътиборсизлик

қилганлигига оид ҳолат у аъзо бўлган сайлов комиссиясининг далолатномаси билан расмийлаштирилади.

26. Комиссия аъзоси сайлов комиссияси таркибидан чиқарилган ёки сайлов комиссияси аъзоларининг сони кўпайтирилган ҳолларда комиссиянинг янги аъзоси мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда сайланади.

VII. Якуний қоидалар

27. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ ҳамда участка сайлов комиссиялари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари чиқарилганидан, тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари, шунингдек участка сайлов комиссиялари тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

(27-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарори таҳририда)

(1-илова Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 16 июндаги 1073-сон қарорига асосан ўз кучини йўқотган)

(2-илова Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 13 майдаги 1254-сон қарорига асосан ўз кучини йўқотган)

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2019 йил 11 сентябрдаги 932-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ўз кучини йўқотган деб топилаётган қарорлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш бўйича услубий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 15 сентябрдаги 852-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш бўйича услубий тавсияларни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 27 майдаги 915-сон қарори.